
Ихтисослашган мактабларга қабул имтиҳонлари 29-30 июль кунлари бўлиб ўтади

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасаларининг **5- ва 7-синфларига қабул имтиҳонлари** жорий йилнинг **29-30 июль кунлари** ўтказилиши белгиланди. Бу ҳақида вазирлик [хабар бермоқда](#).

Халқ таълими вазирлиги ва Давлат тест марказининг қўшма қарори имзоланди.

Саралаш танловлари **очиқ катта павильон (ҳиёбон, майдон)ларда** карантин қоидаларига риоя этган ҳолда Давлат тест маркази томонидан ўтказилади.

Ҳар бир фан йўналишида **жами 30 тадан тест саволлари берилади ва 60 дақиқа вақт ажратилади**. Шунингдек, тест синовлари бошлангунига қадар **қўшимча 20 дақиқа вақт тушунтириш учун** ажратилади.

Саралаш танловлари натижаларига кўра ўқувчилар баллар кетма-кетлиги асосида **белгиланган квота доирасида** қабул қилинади.

"Эслатиб ўтамиз, бу йилги саралаш танловларида **106 мингдан ортиқ талабгорлар иштирок этади** ва танлов натижаларига кўра **34050 нафар иқтидорли ўқувчилар ихтисослашган мактабларга қабул қилинади**" дейилади вазирлик хабарида.

Ихтисослашган мактабларга қабул тартиби ҳақида [қуйидаги хавола орқали](#) батафсил танишишингиз мумкин.

2021-07-22 11:06:00